

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ВА ДУНЁ БОЗОРЛАРИГА ЙЎЛ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ТЕБРАНИШЛАРГА ҚАРШИ САМАРАЛИ ЧОРА

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 апрель куни дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишларнинг соҳа ва тармоқларга таъсирини камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон иқтисодиёти-нинг ажралмас қисми. Оқилона ташқи сиёсат ва қулай инвестициявий муҳит натижасида тадбир-корларимизга янги бозорлар очилмоқда, маҳсулот-лар тури кўпаймоқда.

Гарвард университетининг таҳлилига кўра, охириги беш йилда “иқтисодий мураккаблик индек-си”да Ўзбекистоннинг ўрни 25 поғона яхшилан-ган. 162 турдаги миллий маҳсулотларимиз “дунё бозоринда рақобат устунлигига эга”, деб баҳолан-ган.

Буларнинг натижасида охириги йилларда мам-лакатимиз экспорти 2,2 баробар ошди. Ташқи сав-до айланмас ялли ички маҳсулотга нисбатан 57 фоизга етди. Бу иқтисодиётимиз ташқи бозорларга қанчаллик боғлиқ эканини кўрсатади.

Лекин ҳозир дунё аввалгидек эмас. Ўзгарувчан муносабатлар, турли тариф ва чекловлар бошқа давлатларга ҳам занжирли таъсир кўрсатиб, жаҳон иқтисодиётининг секинлашиши ва халқаро савдо камайишига олиб келяпти.

Масалан, уч-тўрт кун ичида халқаро молия бозорларида 10 триллион доллар йўқотилди. Юқо-ри тарифлар оқибатида халқаро савдо ҳажми 3,5 триллион долларга қисқариб, дунёдаги инфляция даражаси 7,5-8 фоизга кўтарилгани прогно-з қилинмоқда.

Энг катта хавф — пандемия давридагидек дунё бўйлаб таъминот ва қиймат яратиш занжирларида узилишлар пайдо бўлишидир. Айниқса, бундай ҳолат жаҳон экспортида юқори улушга эга тўқима-чилик, электр техникаси, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноати каби етакчи тармоқларга катта зарба бериши мумкин. Оқибатда рақобат янада қийин ва аёвсиз бўлади.

Президент бундай шароитда фақат ўз кучи-миз ва ички имкониятларимизга таяниб, дадил қадам ташлаш кераклигини таъкидлади. Ҳар бир вазирилик, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари аниқ-аниқ режа қилиб, ишлаб чиқариш, экспорт билан шахсан шўғулланиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун давлат томонидан зарур ҳуқуқий, ташкилий ва амалий чоралар кўрилади. Шу мақ-садда яқинда 3 мингдан зиёд тадбиркорлар билан учрашилиб, муаммолари ўрганилган. Энг кўп масала стандарт ва сертификация тизимига оид бўлган.

Юртимиздаги 25 мингдан ортиқ стандарт, 41 та техник регламент халқаро бозор талабларига мос келмайди. Бу эскирган талаблар ва бюрократия тадбиркорларнинг “қўлини боғлапти”, корруп-цияни келтириб чиқаряпти. Устма-уст сертификат-лаш амалиёти ҳалигача давом этаётгани сабабли одамлар сарсон бўляпти.

Инвесторлар биздаги кўп лабораториялар талабга жавоб бермаслигини, ривожланган давлат-лар стандартлари эса тан олинмаётганини айтаяпти. Ёки аксинча, биздаги лабораторияларнинг ҳулоса-си чет элларда тан олинмайди. Шу боис, экспорт-чилар сертификат олиш учун хорижий давлатларга намуна жўнатапти.

Ҳозирги тизимда сертификатлаш органлари бо-зор назоратини ҳам олиб боради, бу эса манфаат-лар тўқнашувига олиб келяпти.

Йиғилишда шу каби муаммолар таҳлили ҳамда ишбилармонларнинг тақлифлари асосида, тадбир-корлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва са-ноат сиёсати самарадорлигини ошириш тўғрисида Президент фармони имзолангани эълон қилинди. Ушбу фармонда техник жиҳатдан тартибга со-лиш, санитария-эпидемиология, ветеринария, ка-рантин идораларининг маҳсулотга ҳулоса бериш ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Такрорланув-чи ва устма-уст тартиблар босқичма-босқич бекор қилинади.

Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва ҳафсизлиги назорати билан фақат Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломат-лиги қўмитаси шўғулланади. Озиқ-овқат учун техник регламентлар ва стандартлар мажбурийли-ги бекор қилинади. Асосий озиқ-овқат маҳсулот-лари бўйича санитария қоидалари ва нормалари халқаро стандартлар тизими — “Кодекс Али-ментариус”га мувофиқлаштиради. Шунингдек, хавф даражаси юқори бўлган 7 та товар гуруҳи-да маҳсулотларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш амалиёти бекор қилинади.

Сертификат олиш мажбурий бўлган товарлар рўйхати қисқартирилиб, маҳсулот мувофиқли-гини декларациялаш амалиёти жорий қилинади. АСБоб-ускуна, хомашё, махсус техника, транспорт импортида юртимизда тан олинадиган хорижий сифат ва назорат тизимлари мезонлари ишлаб чи-қилади. Уларнинг импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайди.

Ушбу тартибларни ўз ичига олган “Бозор назо-рати тўғрисида”ги қонуни қабул қилиш зарурати қайд этилди.

Стандартлаштириш, санитария-эпидемиология ва карантин соҳаларида кадрлар тайёрлаш сифати-ни ошириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳаллий корхоналарга йўл очиб, ишлаб чиқаришни ва экспортни кўпайтириш ма-салаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Юқорида қайд этилган фармонга асосан, энди четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг бож-хона қийматини аниқлаш тартиби тўлиқ халқаро қоидаларга мослаштирилади.

Шу пайтгача қиммат бозорларда талаб юқо-ри бўлган айрим товарлар экспортига чеклов қўйилган эди. Энди 1 июлдан бошлаб, бирорта товарнинг экспортига чеклов бўлмайди. Фақат 86 та товар гуруҳига кирувчи хомашё ва ижти-моий аҳамияти юқори маҳсулотларга нисбатан экспорт божлари жорий қилинади.

Сўнгги йилларда маҳаллий саноатда қандалат ва салқин ичимликларнинг ўрни ошди. Бу тармоқ-ларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим. Шу боис, ша-карга акциз бекор қилинади. Қуруқ сут импортига қўйилган чекловлар ҳам олиб ташланади.

Бунинг натижасида қарийб 40 минг одам иш-лайдиган қандалат ва салқин ичимлик ишлаб чи-қарувчи корхоналарнинг йиллик айланмаси ками-да 50 триллион сўмга етади.

Жойларда маҳаллий Кенгашлар ер солиғи ва ижара тўловларига 2 баробаргача оширувчи коэф-фициент белгиламоқда. Лекин бунинг бизнестга таъсирини ўрганиб, тадбиркорларнинг имкония-тидан келиб чиқиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Асинча, уларга юкламани камайтириб, фео-лияти кенгайтирилса, тушум кўпаяди. Энди тад-биркорларга ҳам ушбу солиқларни йилда иккига бўлиб тўлашга рухсат берилди.

Мутасаддиларга олимлар ва тадбиркорларни жалб қилиб, солиқ-божхона сиёсати ва мамуричи-лигини янги босқичга кўтариш бўйича тақлифлар киритиш топширилди.

Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар ҳамда ҳокимлар ишлаб чиқарувчи ва экспортчи-лар билан доимий мулоқотда бўлиши, ҳеч бир му-рожаат четда қолмасдан, тезда ҳал этилиши зару-рлиги таъкидланди.

ЭНЕРГЕТИКАНИНГ БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲИСОБ-КИТОБЛИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарига энергетика соҳасидаги вазифалар ижроси ва янги лойиҳалар юзасидан ахборот берилди.

Аҳолининг энергия манбаларига талабини қондириш мақсадида ҳар йили кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқ-да. Бу ишлар натижасида охириги беш йилда электр энергия-си ишлаб чиқариш 30 фоиз кўпайиб, 81,5 миллиард кило-ватт-соатга етди.

2035 йилда юртимизда электр истеъмоли 121 миллиард киловатт-соат бўлиши ҳисоб-китоб қилинган. Шу боис, узоқни ўйлаб, энергетиканинг барча йўналишларини ривож-лантириш чоралари кўриломоқда. 2030 йилга бориб, жами генерацияда “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бунда энг салоҳиятли йўналишлар сув ва атом қувватла-ридан фойдаланишдир.

Хусусан, 2025-2026 йилларда умумий қуввати 167 ме-гаватт бўлган 2983 та микро ГЭС барпо этиш белгилан-ган. Ушбу лойиҳалар натижасида 500 миллион киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади, 151 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади. Қурилиш даврида 1200 нафар, лойиҳалар ишга тушганидан кейин 520 нафар фуқаро ишли бўлади.

Тақдиротда энергетика вазири жорий йилда амалга оши-риладиган лойиҳалар бўйича ахборот берди. Қайд этилгани-дек, бу йил қуввати 65 мегаватт бўлган 1 минг 185 та микро ГЭС барпо этилади. Уларнинг аксарияти тадбиркорлар томо-нидан ишга туширилади.

Келгусида атом энергияси ҳам базавий манбалардан бир-ига айланиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда юртимиз-да кичик қувватли атом электр станцияси қуриш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Бўлажак станциянинг ҳар бир босқичи — лойиҳалаштиришдан то биттунга қадар Халқаро атом энергияси агентлигининг қатъий назорати остида бўла-ди, жаҳоннинг энг илгор тажрибалари ва хавфсизлик талаб-лари тағбиқ этилади.

“Узатом” агентлиги раҳбари шу борадаги музокаралар ва келишувлар, лойиҳанинг бориши юзасидан ахборот берди.

Режадаги иш-ишотларни ўз вақтида ишга тушириб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини қўшимча энергия билан таъ-минлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА



РЕГИСТОН МАЙДОНИ ДУНЁНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ЖОЙИ

2-бетга қаранг



БОБУР ШАҲРИ ВАСФИДА

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳар ишининг ўз вақт-соати, даври бор,
Бу дунёда энди Бобур шаҳри бор.

Бобур, яъни Заҳириддин Муҳаммад,
Энг олий шон — она юртга муҳаббат.

Яхши-ёмон кечган ҳар ишдан огоҳ,
Шаҳрингизга ҳуш келибсиз, Бобуршоҳ!

Сизни буюк мусофир деб айтганлар,
Ортингиздан қолмиш айтиб “аттанг”лар.

Андижонни анда жонга тор этган,
Ўз юртида ўз юртига зор этган.

Салтанатнинг тўнин кийган — шод ўлмас,
Бунда ором, бунда ҳаловат бўлмас.

Темурийлар сулоласин кўл қарси,
Сиз энг ёвқур, Сиз энг кенжа йўлбарси.

Умрингизнинг ҳар они, ҳар дамида —
Юргандирсиз кескир қилич дамида.

Не деб қутлар эди Умаршайх Мирзо?
Ота ризо, демак, Худо ҳам ризо.

Ўз уйингиз, ўз сувингиз, наҳрингиз,
Олампаноҳ, қутлуг бўлсин шаҳрингиз!

Даҳри дуннинг бағрин доим тош кўрдим,
Кўзингизда гилтиллаган ёш кўрдим.

Бу гапларни мен айтмадим атайин,
Аввал айтган ташбехимга қайтайин:

Юз оҳ, Бобур, юз оҳ, Бобур, оҳ Бобур,
Подшоҳлар ҳам йиғларкан-да, воҳ Бобур!

Ярми Ҳинду, ярим кўнгли Афғонда,
Бутун умри кечмиш дарду армонда.

Тескаридан ўқилса: Бобур — рубоБ,
Бу рубобингиз чалган куйи ранж, азоб...

Бутун Сизни қутлар аҳли Андижон,
Янги замон қурганларга шараф-шон!
Кўкка қараб қатор-қатор чўзмиш бўй,
Янги уйда қутлуг байрам, янги тўй.

Мақтаб борар ораста ҳам озода,
Ҳар ўғил-қиз хонзода ҳам шахзода.

Комрон билан Ҳумоюнчи чорлангиз,
Навкарларни қўш ёндан қаторлангиз.

Беш юз йиллар кечмиш, сезгум баногоҳ,
Шаҳрингизга ҳуш келдингиз, Бобуршоҳ!

Ҳар косиб, ҳар деҳқон, ҳар чўпонгача,
Ҳўжандан то Испону Ёпонгача —

Бу хушбабар алқаб давру замонни,
Овозаси тутди рўйи жаҳонни.

Андижоннинг Аэропорти кўп кўркам,
Ҳавасларим келар қоқиб, жон ўлкам.

Яркираган “Бонинг”ларга бандаргоҳ —
Шаҳрингизга ҳуш келдингиз, Бобуршоҳ!

“Бобурнома” аини обу тобида,
Бу бир мангу емирилмас обида.

Худди шундай бунёд бўлмиш устувор,
Демак, давлат пойдор, Ватан ҳам пойдор.

Ҳали бунда тўшалгай пўлат излар,
Чин-Мочиндан келар ҳали поездлар.

Оламда бор йўллар равон бўлгуси,
Бутун дунё дориларом бўлгуси.

Насим эсса ижодкорлар боғидан —
Асар қолмас дарду ҳижрон доғидан.

Худойимнинг Ўзи аввал мададкор,
Элу юртнинг эгаси Бош бунёдкор.

Иншооллох, адаб шаҳри бўлғайдир,
Илму ирфон, мактаб шаҳри бўлғайдир.

“Боғи Беҳишт” каби об-ҳаволари,
Ўсгай бунда келажак даҳолари.

Бир шаҳарким, бағри очик, қадрдон,
Бино бўлмиш инсон меҳру қадридан.

Бу эъзозлар, бу олий эҳтиромлар,
Келажак минг йилларгадир саломлар.

Обод Ватан осмонлардан тушмайди —
Ватан бедор Раҳнамога ўхшайди.

Тарих гувоҳ, замон гувоҳ, эл гувоҳ —
Бизнинг улуг ишлардан олам огоҳ.

Юз минг орзу-умидларнинг бағридир,
Бу матонат ва шижоат шаҳридир.

БУГУН БОБУРНИНГ АРМОНИ ЙЎҚ

У ТАВАЛЛУД ТОПГАН АНДИЖОН ВОДИЙ ГАВҲАРИ СИФАТИДА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРГА АЙЛАНДИ

Мана, қарийб 10 йилдирки, университетда минтақашунослик фанидан дарс бераман. Анъанага кўра, ҳар йили биринчи дарсимни одатий савол билан бошлайман: “Азиз талабалар, Андижон вилояти Ўзбекистоннинг неча фоиз ҳудудини эгаллайди?” Бир оз сукут сақлаб, “Андижоннинг аҳолиси қанча?” деб сўрайман. Ёш авлод уйга толганда, ўзим жавоб бераман: “Билингки, айланайлар, Андижон ҳудуди Ўзбекистоннинг бор-йўғи 1 фоиз майдонини эгаллаган ва бу ерда мамлакатимизнинг 10 фоиз аҳолиси яшайди. Яъни Андижон Ўзбекистоннинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудуди”.

Бундай зичлик Япониядаги кўрсаткичларга ҳам тўғри келади ва ҳатто ўтади ҳам. Шунинг учун Анди-жон деганда, кўз олдимга доним бир қарич ерда тол-май, белига белбоғни маҳкам боғлаб, меҳнат қилиб яшаётган, ғайратли, меҳнатсеварлиги, ватанни севиши бўйича япон самурайларидан кам бўлмаган юртдош-ларимиз келади.

Президентимизнинг Андижонга таширифи чоғи-да чуқур уйга чўқидим. Ўзбекистоннинг энг шарқда жойлашган бу ўлкага дастлаб 1996 йили — Ўзбеки-стон телевидениеси “Ахборот” дастурида ишлаб юрган

пайтим борган эдим. Ўша йилларда Асакада бир ойча яшаганман. Шундан бери Андижон тўғрисида ўзгармас фикрларим бор: кишини-ёзини ҳамма ҳаракатда, барча тадбиркор, ишбилармон, қоллар чопони этагини белига маҳкам боғлаб, велосипедда пойғалашади...

Андижон тажрибасини бутун Ўзбекистонга намуна қилиб кўрсатмоқчиман: баъзи вилоятларнинг ҳудуди Андижонникидан 10 баробар катта, аммо улардаги иқ-тисодий салоҳият, ўсиш суръати мутлақо бошқача.

Давоми 3-бетда

Шунда мен ўйлайман: ери кам бўлган, табиий имконияти чекланган андижонликлар эплайди-ку, бошқалар ҳам худдаласа бўлади. Аслида, улар ҳам Ўзбекистоннинг андижонликларга тенг фуқаролари-ку... Одам боласи истаса, қиларкан-ку!

Ривожланиш учун кураш айни йўқчилик келганда бошланади. Бунга ҳаёт кўрсатиб турибди. Инкироздек туюлган ҳолат аслида очилмаган имконият бўлиши мумкин. Тўқлик ва фаровонлик одамни комфорт ҳудудга киргизади, рақиблик ҳиссиётини ўлдиради. Андижон феномени эса айнан чекланган, чегараланган имкониятлар фаровонлик учун курашиш лозимлигини кўрсатади. Йўқчилик рақобат муҳитини юзага келтирмаса, кучли бўлишга ундайди.

Эҳтимол, бутун юксак даражага эришган Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея, Япония мўъжизаси замирида ҳам шундай амалиёт мужассамдир. Ута чекланган табиий ва ер ресурсларига қарамай, бу мамлакатлар юксак инсон капитали ва тинимсиз меҳнат эвазига дунёни забт этмоқда, “Осиё йўлбарслари” деб тан олинган.

Андижон вилояти иқтисодиёти 2017-2024 йилларда 1,6 баробар ўсган. 2024 йил якунларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот қиймати 90,5 триллион сўмга етказилиб, 6,6 фоиз ошган. Сўнгги 8 йилда Андижондаги деярли барча соҳа бўйича амалга оширилган триллион-триллион сўмлик ўзгаришлар замирида ҳам шу фалсафа ётибди.

ЯНГИ АНДИЖОНДАН БОБУР ШАҲРИГАЧА

Коронавирус пандемияси даври ҳамма қатори андижонликлар учун ҳам осон кечмади. Эсимда: Халқаро пресс-клубнинг “Масофада” лойиҳаси доирасида 2021 йили Янги Андижон шаҳри қурилишига тамал тоши қўйилганининг гувоҳи ва иштирокчиси бўлдим. Ҳудуди кичик бўлган андижонликлар учун Ўзбекистон Президенти яхши ечим топиб берди. Андижонда аҳоли зич яшайди: Аска туманида 200 минг, Шаҳрихонда 330 минг, Андижонда эса 206 минг. Аҳоли ҳам йилдан йилга кўпайишдан тўхтамаяпти. Худода шукр. Шунда адирликлардан унумли фойдаланадиган мамлакат, хусусан, Туркия тажрибаси бизга қўл келди.

Янги кентнинг бебаҳолиги шундаки, у бўм-бўш адирликда, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаган 4 минг гектар майдонда осмонга бўй чўзмоқда. Халигача ёдимда: бор-йўғи 4 йил аввал Президентимиз борганида тап-тақир адир эди. Вақти келиб бу ерда шунча бунёдкорлик ишлари бўлишига инсон ишонини қийин эди. Ушунда турнақатор терилган қудратли техникалар водийни шовқин билан ларзага солганди.

Қурилиш 8 босқичда режалаштирилган бўлиб, ҳозир 1770 хонадонли 63 та турар жой фойдаланишга топширилди. Янги мактаб, болалар боғчаси, поликлиника қурилган, тайёр хонадонларнинг кўпига оилалар кўчиб ўтган. Бу йил яна 40 та кўп қаватли уй қурилади. Барчаси, табииyki, электр энергияси, газ, сув, иссиқлик билан таъминланади. Янги Ўзбекистон боғида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилади.

БОБУР ОЛДИДАГИ ҚАРЗИМИЗ АДО ЭТИЛИШИ

Буюк Бобур бобомиз ҳақида алоҳида тўхталсам. Биз мактабда ўқиган пайтларда у ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган. Қарангки, ёшим 45 га чиққанда Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романини ўқиб тутатдим. Шундан сўнг 47 ёшда умри якун топган Бобурнинг мушкул ҳаёт йўли худди кинотасмасидек кўз олдимдан ўтди. Хўш, биз дунё тарихида, инсоният тамаддуни битикларида ёрқин из қолдирган Бобурдек йирик шахснинг, парча-парча бўлган худудни бирлаштирган буюк салтанат асосчисининг ҳурматини жойига қўйяпмизми?! Шу пайтгача нега ўзимизга бу саволларни бермадик?

Ўзбекистон харитасида янги Бобур шаҳрининг пайдо бўлиши 6 асрдан бери тикланишини кутаётган адолат олдига таъзим қилишдир. Янги шаҳарга номи қўйилиши билан қилган ишлари ва улугворлиги бўйича



БУГУН БОБУРНИНГ АРМОНИ ЙЎҚ

У ТАВАЛЛУД ТОПГАН АНДИЖОН ВОДИЙ ГАВҲАРИ СИФАТИДА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРГА АЙЛАНДИ



Шерзодхон ҚУДРАТХҲҲА, сиёсий фанлар доктори, профессор

Амир Темурдан кам бўлмаган Бобур сиймоси абадийлаштирилди. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳазрати Бобур шундай улуг зотки, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, балки алоҳида шаҳар бунёд этсак, албатта, арзийди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари айтганидек, Бобур шаҳри миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этадиган маънавий масканга, таълим ва илм-фан шаҳрига, ёшларимиз учун илҳом ва ибрат, парвоз майдони, нафақат водий, балки мамлакатимизнинг туризм ва маданият марказига, “ашил инфратузилма” асосида қурилган замонавий “смарт-сити”га — “ақлли” шаҳарга айлантирилади.



Подшоҳ Бобур шундай тарихий шахси, уни Атилла ё Элтуғрул билан таққослаш мумкин. У барпо этган салтанат 332 йил ҳукмронлик қилди. Бугунги Ҳиндистон дунё иқтисодиёти, сиёсатида етакчи ўринларга эга. Бунда, албатта, бобурийлар мероси алоҳида аҳамият касб этади.

Бобур Мирзо Афғонистоннинг Ҳиндикуш тоғларидан ўтиб, ҳинд заминига қадам қўйганида бу улкан ҳудуд ўзаро келишолмайдиган, майда низоларга чўккан, тинимсиз уруш билан машғул кичик рожаликлар ўлкаси эди. Бобур ва авлодлари ўз сиёсий тафаккури, ҳарбий кучи ва идроки ила буюк бобурийлар салтанатини барпо этди. Агар Бобур борма-са, бу ноаҳиллик ими билсин яна қанча давом этарди? Бугун эса бутун субконтинентни эгаллаган яхлит Ҳиндистон гуллаб-яшнапти, ривожланыпти.

Аграга зияратга борган одам бугунги Ҳиндистоннинг ёрқин тимсолига айланган Тожмаҳални беихтиёр соатлаб томоша қиладди. Боболаримиз таъсирида туркий, форсий ва ҳинд архитектураси биравлашиб, ажиб янги ҳинд архитектураси ҳосил бўлган.

Шу минтақада кенг тарқалган урду тили юксалиши ва ривожланишида ҳам бобурийларнинг ҳиссаси бекиёс. Уларнинг турли миллиятларни ўзида мужассам этадиган маънавий масканга, таълим ва илм-фан шаҳрига, ёшларимиз учун илҳом ва ибрат, парвоз майдони, нафақат водий, балки мамлакатимизнинг туризм ва маданият марказига, “ашил инфратузилма” асосида қурилган замонавий “смарт-сити”га — “ақлли” шаҳарга айлантирилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ГАВҲАРИ

Бобур шаҳрининг яна бир ўзига хослиги шундаки, остида ер ости шаҳарчаси бор. Барча коммуникация нудан ўтган, яъни қувур



тешилса, асфальтни ўйишга, ерни қовлашга зарурат бўлмайди. Чилангарлар, сантехниклар кенг ерўлаларда бемалол велосипедда юриб таъмирлайди. Ўзим ҳам бу ер ости йўлакларидан анча юрганман.

Бугун янги Ўзбекистоннинг янги тарихи битилмоқда. Президентимизнинг дастлабки йилларидаги фаолияти давлатимиз ҳудудларида таҳлилий қарашдан иборат бўлди. Хар бир ҳудуднинг ривожланиш концепциясига манзилли ёндашилди. Мавжуд муаммолар таҳлили, хар бир минтақанинг ўсиш нукталари белгиланди. Илк кундан аниқ тахислар қўйилди. Шу асосда бунёдкорлик ишлари бошланди. Ҳудудларимизга қон кирди. Ўша пайтдан бошлаб мамлакатнинг инфраструктураси такомиллаштирилмоқда, номарказлаштириш жадал ривожлантирилмоқда. Хар бир чекка ҳудудга алоҳида ёндашув билан қарамоқда. Бу эътибор янги иш жойлари, янги имкониятлар, янги шартларда акс этди. Натияжада бутун мамлакат бўйлаб югурган қайноқ энергия пойтахтга акс садодек қайтиб келмоқда.

2016 йилгача тушукун ҳолатга тушган, унутилмаган Манас, Мўйноқ, Мирзачўлга янги ҳаёт нафаси кирди. Янги Ўзбекистоннинг янги ислохотлари шабадаси кириб келди. Эътибор талаб бўлиб қолган шаҳарларнинг қайта тикланиши, янги бунёд этилаётган шаҳарга Бобур номи берилиши асосида гарбу жанубимиздаги ҳудудларимизда яқин келажақда Темур, Улугбек, Мангуберди шаҳарлари барпо этилса, ажабмас. Бундай янги номлар берилиши яқин 40 йиллик тарихимизда бўлмаганини тан олиш ҳам бир мардлик.

1991 йилда Ўзбекистон аҳолиси 20 миллион эди. Бугун эса халқимиз 38 миллион атрофида. Аҳоли сони салкам икки баробар ошди. Сўнгги қирқ йилда янги шаҳарлар

пайдо бўлди, дея мақтана олмаганимизни тан олиш керак. Фақат 2016 йилдан сўнг янги қўчаларнинг, турар жой массивлари, микро-ҳудудлар, туманлар ва шаҳарлар қурила бошлади. Яқин йилларда ташкил этилган Янги-ҳаёт, Янги Тошкент, Давлатобод туманлари, эндики Бобур шаҳри Президентимизнинг тўғри ўйланган сиёсати натижаси, янги Ўзбекистоннинг янги шаҳарларидир.

Давлатимиз раҳбари бирор ҳудудга ҳеч қанча қуруқ қўл билан бормади. Андижонга бу галги таширф чоғида ҳам вилоятга давлат бюджетидан қўшимча 1 триллион сўм ажратилиши белгиланди. Бу маблағ бир тарафдан ҳудуднинг янада жадал ривожланиши, янги гоё ва ташаббуслар қўллаб-қувватланиши, ҳозирги ўсиш сурьати меъёрида сақлаб қолиниши учун бунақ бўлса, бошқа тарафдан, хар бир ҳоким ва раҳбар ходимлар зиммасига юксак масъулият ҳам юклайди.

БУЮК КЕЛАЖАҚДАН БУЮК БЎЛИШГА ИНТИЛИШ

Бугун Андижондаги юқори ўсиш кўрсаткичи бошқа вилоятларга ҳам намуна бўлиши керак. Агар Ўзбекистоннинг 1 фоиз ҳудудида шунча ҳаракат, шунча ислохотлар амалга оширилаётган бўлса, қолган ҳудудларимизда қанча яратувчанлик, бунёдкорлик ишларини бажаришимиз мумкин! Кичкина ҳудуднинг муаммолари ҳам кичкина дегани эмас. Аксинча, қафддек жойда бўлса ҳам ундаги масалаларни ҳал этиши, Президентимизнинг янги ислохотлар сиёсатини давом эттириш учун тинимсиз меҳнат қилиш, кун-тун шу ҳудуд дарди билан яшаш, гарданга ортилган масъулият ўтида ёнмоқ керак.

Илгари “Ўзбекистон келажаги — буюк давлат”, дея шундай келажақ келишини кутиб юрардик. Билъакс, Ўзбекистоннинг бугуни буюк! Зеро, бир фоиз ҳудудимиздаги бунёдкорлик ишлари шунча бўлса, бутун Ўзбекистондаги янги ислохотларни қандай мезон билан ўлчаш мумкин?!

БЖЕЗИНСКИЙ АДАШГАНИ РОСТ БЎЛСИН

Бундай ўзгаришлар Фаргона водийсининг муҳим гўшасида амалга ошаётгани икки қарра муҳим. Бу ҳудудга яқингача Марказий Осиё минтақасининг муаммолари нуктаси сифатида қараларди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти матбуот котиби Шерзод Асадовнинг Андижонга сафар таассуротлари ҳақидаги постидан иқтибос келтираман:

“1997 йилда ўз даврининг йирик геостратегларидан бири бўлган Збигнев Бжезский ўзининг “Буюк шахмат тахтаси” китобида Фаргона водийсининг геосиёсий кескинлик ўчоғига айланишини башорат қилган, айрим экспертлар эса ҳатто “порох бочкаси”га ўхшатган эди. Дарҳақиқат, учта мустақил мамлакатга дахлдор бу қадимий ҳудудда яқин-қўнғача шундай воқеалар рўй бердики, кўпчилик бу машғум башорат ҳақиқатдан унчалик ҳам йироқ эмаслигига шонганди.

Аммо бугун биз бутунлай бошқача воқеаликда яшамоқдамиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўра биладишан раҳбарлиги, тизимли ва чуқур ўйланган ислохотлари тўғрисида Фаргона водийсининг учта вилояти ва унинг юрагига бўлиши Андижон бутунлай ўзгариб кетди.

Бугун Андижон иқтисодий ўсиш, тадбиркорлик ташаббуси, инновация руҳи, интеллектуал тараққиёт ва маданий тикланишнинг қудратли марказига айланган. Бу шундай заминки, хар бир янги лойиҳа келажақ пойдеворини мустаҳкамлайдиган тамал тошидир. Бу ерда одамлар орзу қилаяпти ва ўз мақсадларига эришмаяпти. Ўқийман, исланаман, даромад топаман ва бошқаларга ҳам даромад манбаи яратаман деганларга — кенг йўл. Янеи — Бобур шаҳри қурилмоқда.

Эски башоратларни унутиш вақти келди. Эндиликда, шу жумладан, ўз давлат раҳбарларининг сатъи-ҳаракати ва дўстлиги тўғрисида бугун Фаргона водийси “порох бочкаси” эмас, балки имкониятлар, фаровонлик, тинчлик, яхши қўнчилиқ ва бунёдкорлик маконига айланди. Андижон, Фарона ва Намангана келсак, улар эртанги кунга ишонч ва кучли, адолатли давлат раҳбарининг эътибори билан халқимиз нималарга қодир эканини исботламоқда”.

Янги бунёд этилаётган шаҳарга Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилиши ҳам Президентимизнинг пухта ўйланган сиёсати замиридаги ислохотларнинг бир инъикосидир. Бундан ташқари, янги кенг бундай номланиши билан 6 аср илгари “Андижоннинг қолди менинг, анда жоним қолди менинг”, дея армон қилган буюк бобомизнинг орусси бугун Президентимиз ташаббуси билан рўёбинини топди.

Ҳазрат Бобурнинг шон-шухрати ва қадр-қимматини жойига қўйиш, бебаҳо меросини халқимизга янада кенг танитиш, бутун дунёга тарииб этиш ҳаммамизнинг муҳим бурчимиздир.

Бугун энди Бобурнинг ҳеч қандай армони қолмаган бўлса керак. Дунёнинг қайси ерида, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр ватан соғинчи билан яшаган аждодимиз руҳи шу кунларда шу ерларга қайтиб келди.

Сўзимни айни дамда Корея Республикасининг Кападо оролидаги шогирдим Фозил Фарҳоднинг қуйидаги янги мисралари билан якунламоқчиман:

ҚАЙТИШ

Қанча улугимиз ўзга элларда
Қолиб кетган, эвоҳ, алаҳма жоним!
Буюк ишлари-чи, достон тилларда,
Нечун сидирмадик, қайнайди қоним?!

Бугун наҳот қайтар тарих ортига,
Яхшилик кутмади, халқ руҳи собур?!
Олти аср ўтиб ота юртга
Қайтар Заҳириддин Муҳаммад Бобур!

БОБУР ШАҲРИ — ЎТМИШГА ЭҲТИРОМ, ПОКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР РАМЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ АНДИЖОН ШАҲАРЧАСИГА БОБУР НОМИНИ БЕРИШ ТАКЛИФИ ПОКИСТОН ЕТАКЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистондаги ислохотлар, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари хориж, жумладан, Покистон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилмоқда ҳамда етакчи оммавий ахборот воситаларида бу жараёнлар тўғрисида кўплаб мақолалар чоп этилаётир.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг Андижон вилоятига сафари чоғида янги бунёд этилган шаҳар билан танишгани, унга Бобур номини бериш ташаббусини билдиргани тўғрисида Покистоннинг “Associated Press of Pakistan” марказий ахборот агентлиги платформасида, шунингдек, мамлакатнинг етакчи нашрлари — “Independent News Agency”, “Diplomatic News Agency” ва “Media Online Today” ахборот агентликлари, “Pakistan in the World”, “The Diplomatic Insight” ва “Centreline” журналлари, “Islamabad Post”, “The Tribune International” газетаси, “The Gulf Observer”, “The Europe Today” ва “World News” каби онлайн порталларида туркум мақолалар эълон қилинди.

Нашрларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятида янги барпо этилаётган шаҳарга буюк Бобурийлар сулоласига асос солган, ўзбеклар ва покистонликлар учун бирдек қадрли тарихий шахс — Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилишини эълон қилгани Марказий ва Жанубий Осиёнинг миллионлаб инсонлари қалбига фахр туйғуларини уйғотгани таъкидланади.

“Президент Шавкат Мирзиёев буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бебаҳо меросига алоҳида эътибор қаратди. Илм-фан, адабиёт ва маданиятга қўшган бекиёс ҳиссасини улуглаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида янги қурилаётган шаҳарни Бобур шаҳри деб номлашни таклиф қилди”, дейилади материалларда.

“Бобур Мирзо Темурийлар Ренессансининг муносиб вориси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиётнинг ҳомийси эди. Унинг

New City in Uzbekistan to Be Named After the Great Babur Whose Legacy is a Symbol of Shared Heritage for Uzbek Pakistani Nations

покистонликлар учун бирдек қадрли тарихий шахс — Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилишини эълон қилгани Марказий ва Жанубий Осиёнинг миллионлаб инсонлари қалбига фахр туйғуларини уйғотгани таъкидланади.

“Президент Шавкат Мирзиёев буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бебаҳо меросига алоҳида эътибор қаратди. Илм-фан, адабиёт ва маданиятга қўшган бекиёс ҳиссасини улуглаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида янги қурилаётган шаҳарни Бобур шаҳри деб номлашни таклиф қилди”, дейилади материалларда.

“Бобур Мирзо Темурийлар Ренессансининг муносиб вориси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиётнинг ҳомийси эди. Унинг

мамлакат ер майдонининг атиги 1 фоизини ташкил этиши қайд этилган.

“Шу бонс, 2021 йилда ҳукумат томонидан ушбу ҳолатни урбанизация билан боғлиқ вазиятни енгиллаштириш ва замонавий турмуш шартитларини таъминлаш мақсадида янги шаҳар қуриш бўйича улкан лойиҳа бошланди. Бу кенг қўламли лойиҳа 4000 гектарли, илгари фойдаланилмаган ерда саккиз босқичда амалга оширилмоқда”, дейилади мақолаларда.

Бобур номи билан аталадиган ушбу келажақ шаҳри замонавий ва технологияли ҳаётдан ривожланган, бироқ маданий ва маънавий қадриятларга чуқур боғланган шаҳар сифатида режалаштирилгани, унинг марказида мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, университет, музей, кутубхона ва IT паркни ўз ичига олган йирик таълим мажмуаси жойлашиши, шаҳарда жаҳон даражасидаги спорт иншооти ҳам барпо этилишига ўқувчиларнинг эътибори қаратилади.

Ҳозирга қадар 63 та кўп қаватли уй, 1680 ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб,

Special Edition

New city to be named after great Babur

A LEGACY SYMBOL OF SHARED HERITAGE FOR UZBEK, PAKISTANI NATIONS

болалар боғчаси, тиббиёт маркази, енгил саноат корхонаси ва турар жой маркази қуриб бўлингани, йўллар, сув таъминоти, газ, электр ва иштиш тизимлари каби асосий инфратузилма тўлиқ шакллантирилгани, ичимлик сув билан таъминлаш учун янги сув омбори ва тақсимлаш станцияси ҳам ишга туширилганига ургу берилган.

“Шаҳарни бунёд этиш учун 250 миллион долларлик махсус ривожланиш дастури тасдиқланган. Бобур шаҳри тўлиқ қуриб битказилгач, 410 мингдан ортиқ аҳолига замонавий, маънавий ва маърифий муҳитда яшаш, ўқиш ва ўз устида ишлаш имконини тақдим этади”, деб ёзилган манбаларда.

Бундан ташқари, атроф-муҳит ва дам олиш ҳудудларига ҳам катта эътибор қаратилаётгани, 19 гектар майдонни эгаллаган “Янги Ўзбекистон” боғида 10 мингдан ортиқ даракт экилгани, дам олиш учун гўзал ҳудудлар ва маданий тадбирлар учун амфитеатр мавжудлиги ҳам таъкидланган.

Покистон ОАВ мазкур шаҳарнинг энг баланд нуктасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган улкан ҳайкал ўрнатилиши, бу унинг тутилган юртга маънавий қайтиши рамзи бўлишини алоҳида урғулаган.

“Бобур шаҳри шунчаки қурилиш лойиҳаси эмас, бу ўтмишга эҳтиром ва Ўзбекистон ҳамда Покистон ўртасидаги келажақдаги ҳамкорлик руҳининг рамзидир”, дейилган мақолада.

Бобур ва бобурийлар санъат, шеърят, меъморчилик ва давлат бошқарувида қолдирган мерос Жанубий Осиё тарихини шакллантирди. Ўзбекистоннинг ушбу ташаббуси икки дўст халқлар ўртасидаги чуқур маданий боғлиқлиқни яна бир бор тасдиқлади. Бобур ватанини соғиниб яшаган эди — ушбу шаҳар унинг юртга қайтиш рамзи, муштарак тарихимиз узвийлигининг абадий ёдгорлиги бўлади.

Мақолалар Ўзбекистон Президентининг қуйидаги сўзлари билан якунланган: “Барчамиз биланмики, Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёнинг қаерида, қайси ўлкада бўлмасин, бир умр ватан соғинчи билан яшаган. Бугун буюк аждодимизнинг армонлари ушадли, ул эзот ўз юртга руҳан қайтиб келди, десам, ўйламанки, силар ҳам бу фикрга қўйиласиз. Мана шундай улуг, тарихий кун барчамизга муборак бўлсин!”.

“Дунё” АА
Исламобод шаҳри



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан банк тизимига ва банкларнинг мижозлар талабига мос хизмат кўратиши, сервис сифати ва хилма-хиллигига боғлиқ. Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги “2020—2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонида банкларнинг янги, жумладан, “рақамли банкинг” тамойилларига асосланган бизнес моделларини жорий этиш, банк хизматлари кўрсатишда халқаро сифат стандартларини қўллаш, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматларнинг кўлами ва сифатини яхшилаш белгиланган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш орқали банкларнинг масофадан туриб молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, бугун тижорат банкларининг мижозларга замонавий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш ва ресурсларни мустақамлаш борасида нафақат ички имкониятлардан фойдаланиш, балки хорижий банклар билан тизимли ишлаш, чет элда роуд-шоулар ўтказиш, евробонд чиқариш, банк рейтингини яхшилаш ва халқаро стандартларга мослаштириш каби масалалар долзарб аҳамиятга эга вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Дарҳақиқат, бу жуда тўғри мақсад. Чунки мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислохотларни босқичма-босқич ва самарали амалга ошириш, соҳада рақамлаштиришга эътибор қаратиш иқтисодиётнинг асосий бўлини ва locomotive бўлган банк тизимига катта масъулият юклайди.

Рақамли иқтисодиёт

МАҲАЛЛА ВА БАНК ҲАМКОРЛИГИ

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юртимиздаги иқтисодий ислохотлар, ижобий ўзгаришлар тижорат банкларининг аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатадиган хизматлари сони ва сифатини ошириб боришни талаб этмоқда. Бу, ўз навбатида, банкларимизга фаолиятини халқаро банк амалиёти талабларига мослаштириш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда жараён ва хизматларни рақамлаштириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш имконини бермоқда.

Бугун банклар мижозларга 200 турдан ортиқ молиявий хизмат кўрсатапти. Банк хизматлари порталида келтирилган маълумотларга кўра, кредит бўйича хизматлар 304 та, омонатлар бўйича хизматлар 217 та, банкоматлар орқали кўрсатиладиган хизматлар 200 дан ортиқлигини кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг аҳоли даромадини ошириш мақсадида маҳаллалар даражасида ҳокимларнинг банклар билан бирга ишлайдиган тизимни шакллантириш тўғрисидаги таклифи мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларда янги, жаҳон амалиётида кам учрайдиган тизимга асос солди.

Бундай тизимни шакллантиришдан мақсад туман банкларининг маҳаллаларга кўпроқ кириб бориши, аҳоли билан яқинлашиши, маҳаллаларда яшайдиган одамлар билан узвий ишлаши, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашишини таъминлашдан иборат. Энди банклар ва банк ходимлари аҳолининг иш бошлашида юзга келадиган қийинчиликлар, муаммоларни жойида ўрганиш ва ҳал этиш имкониятига эга бўлади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Аҳоли эса бизнес лойиҳасини муҳокама қилиш, кредит ҳужжатларини тайёрлаш, пул олиш, кўчириш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича узоқ йўл босиб банкларга бориш, навбатда туриш каби вақт ва маблаг талаб қиладиган жараёнлардан қутулади.

Маҳалла — банк тизимининг ижобий жиҳати шундаки, энди банклар аҳоли илгари сурган иқтисодий ғояни лойиҳага айлантиришда қўмаклашиш ва молиялаштириш вазифасини бажаради. Туман ҳокимлари эса аҳолининг бизнес лойиҳаларини жой ва инфратузилма билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади. Бу аниқ ва манзилли, асосий тўрт субъект: маҳалла — ижро органи — банк — ижозини ўзида бirlaштирадиган тизимдир. Унинг самарали йўлга қўйилиши бугунги қатор ижтимоий муаммолар ечимига хизмат қилади. Аҳоли учун

тиришда қўмаклашиш ва молиялаштириш вазифасини бажаради. Туман ҳокимлари эса аҳолининг бизнес лойиҳаларини жой ва инфратузилма билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади. Бу аниқ ва манзилли, асосий тўрт субъект: маҳалла — ижро органи — банк — ижозини ўзида бirlaштирадиган тизимдир. Унинг самарали йўлга қўйилиши бугунги қатор ижтимоий муаммолар ечимига хизмат қилади. Аҳоли учун

Бугун бизда аҳоли билан иқтисодий муносабатларда кузатиладиган муаммолар жиҳатлардан бири одамларнинг молиявий саводхонлиги пастлигидир. Бу соҳада ҳали қиладиган ишимиз кўп. Чунки аҳолининг барчаси ҳам банк, молия, солиқ ташкилотлари фаолияти, кредит, қарз, депозит, омонат, шартнома, лизинг, ижара, битим, кредит шартномаси, кредит фойзи каби тушунчалар моҳиятини чуқур англаб етган эмас.

Аҳоли кредит ёки қарзга олинган маблағни шартномада кўрсатилган муддатда қайтариб бериш, фойдалангани учун фойз тўлаш кераклигини яхши англаши лозим. Бу борадаги яна бир муҳим масала аҳолининг олган кредитини мақсадли ишлатиши билан боғлиқ. Базис ҳолларда айрим юрtdошларимиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида олган кредитини бошқа эҳтиёжларини қоплашга йўналтиради. Натижада кредитни қайтариш, фойзаларини тўлашда қийинчиликка учрайди ёки қайтара олмайди.

Бундай ҳолат нафақат кредит олган одамнинг ҳолати, балки тижорат банклари фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тижорат банкларида вақтида тўланмаган ёки муаммолар кредитлар салмоғи ошишига сабаб бўлади. Муаммолар кредитларнинг кўп бўлиши банкларнинг молиявий аҳоли ёмонлашуви, рейтингини ва обрўсининг тушиб кетишига олиб келади.

Шу боис, маҳаллаларда банк хизматлари кўрсатилиши, банкир ва маҳалла аҳолиси ўртасида мулоқот йўлга қўйилиши, фик-

римизча, одамларнинг молиявий саводхонлиги ва ҳуқуқий билими ошишига ёрдам беради.

Жорий йилда тижорат банклари томонидан 5,5 триллион сўмлик микромолия ва факторинг хизмати кўрсатилиши, давлат улуши бўлган тижорат банклари томонидан микромолия ва факторинг компаниялари очилиши режалаштирилган. Шунингдек, уларга хорижий инвесторларни жалб этиш, келгуси йилда микромолия ва факторинг компаниялари орқали 10 триллион сўмлик хизматлар кўрсатиш прогноз қилинмоқда. Сўнгги 5 йилда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредит улушини 40 фоизга ёки 120 триллион сўмга етказиш чораларини кўриш зарурлиги келажакда маҳалла ва банклар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада мустақамлаштиришга хизмат қилади.

Банклар ва маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларида аҳолига масофавий банк хизматлари мазмун-моҳияти, турлари ва имкониятларини тушунириш ҳам катта аҳамиятга эга. Кейинги йилларда банк хизматлари бозорида масофавий хизматлар ўрни ошиб бормоқда. Бундай хизматларнинг асосий истеъмолчилари маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолидир.

Бу хизматлар банк учун операциялар ҳажми кичиклиги, корпоратив банк хизматларига нисбатан харажат камлиги билан изоҳланса, аҳоли учун қўлайлиги, тезкорлиги ва камхаражат экани, шахсий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилгани билан аҳамиятли.

Бугун юрtdошларимиз уйда, ишонасида ва бошқа ҳоҳлаган жойида туриб бемалол банк хизматларидан фойдаланиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган масофавий хизматлар ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундай хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш нафақат банклар даромадини оширади, балки маҳаллалар аҳолиси учун ҳам қўлайликлар яратди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг турмуш даражасини яхшилашда жуда муҳим.

Айни пайтда юртимиздаги 36 та тижорат банки, 700 дан ортиқ филиали, 1816 дан кўпроқ банк хизматлари маркази, 3750 дан зиёд 24 соат хизмат кўрсатувчи банкомат ва информкиоски, тўлиқ онлайн режимда ишлайдиган базис банклар юридик ва jisмоний шахсларга масофавий хизмат кўрсатиб келаяпти.

Кейинги йилларда юртимизда мижознинг уйдан чиқмай, банк хизматларидан фойдалана олишига катта эътибор қаратиляпти. Шунинг учун банк хизматлари соҳасида технологик банклар, онлайн хизмат кўрсатувчи банклар, банк хизматлари марказлари соҳаси долзарб йўналишга айланиб бормоқда.

Айниқса, ҳудудларда базавий банк хизматлари тўпلامини кўрсатувчи ва кўп сонли бошқарув ходимларини талаб қилмайдиган ихчам банк хизматлари офислари тармоғини кенгайтирган ҳолда мавжуд филиаллар тармоғини мақбуллаштириш, шунингдек, банкларнинг масофадан туриб хизмат кўрсатишини янада такомиллаштириш маҳалла — банк тизимининг самарали фаолиятига замин яратаяпти.

Очиқ ва аччиқ гап



ДАРЁНИ ТИНЧ ҚЎЙИНГ!

Китоб тоғларидан бошланган Қашқадарё неча минг йиллардан буён воҳага обиҳаёт улашиб келади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, бозорларимизнинг обод бўлишида ҳам мазкур дарёнинг ўрни катта. Аслида, мукаммал яралган табиатда ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор. Фақат ундан меъёрида фойдалансакгина, ҳеч бир муаммо тўғилмайди. Аксинча, нафс балосига эрк бериб, меъёрни унутишимиз натижасида табиат мувозанати бузилади. Оқибатда курроқчиликлару бошқа офатлар рўй беришига сабабчи бўламиз. Жабрини барибир инсонлар кўради.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 17 январдаги “Сув ҳавзаларида норуада материалларини қазиб олишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, 2024 йил 1 майдан бошлаб Чирчиқ, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Сурхондарё қатори Қашқадарё дарёси ўзаниларидаги норуада материалларини қазиб олишга муддатсиз мораторий жорий қилинганди. Хўш, айни пайтда воҳанинг бош дарёси ўзанларида аҳвол қандай? Мораторий натижасида ҳолат анча яхшилانганми? Шу хусусда ўрганишлар ўтказдик.

Бугун Қашаши тумани марказидан Қарши шаҳрига йўлга чиққан киши қум-шағал ортитилган катта юк машиналари вилот маркази томон бораётганини кузатиши табиий ҳол.

Эътиборни Қашқадарёнинг Қашаши тумани Тўқбой қишлоғи яқинидаги ўзани ҳолатига қаратишдан бошладик. Боиси, айнан шу ўзандан олинган қум қурилиш бозорида яхшигина ном қозонган.

Қишлоқ ҳудудига енгил машинада қирғоқ бўйлаб ҳаракатланарканмиз, бир оздан сўнг юришига имкон қолмади. Чунки юк машиналари оғир юк билан юрaveryиб, йўлни абгор қилиб ташлаганди. Бу ёғига пиёда юришга тўғри келди. Бир километрдан кўпроқ юрмасимиздан қум ортитилган “Қамаз” рўпарамиздан келиб қолди. Қўлимиздаги суратга олиш мосламаси борлигини кўриб тўхтади. Бу ҳудудлардан қум олиш тақик-

лангани, нега шунга қарамай, қум ортиб келаяётганини сўрадик.

— Ҳовлимизга қум керак бўлиб қолганди. Ўзим шу яқиндаги қишлоқда яшайман, — дейди ўзини Фазлиддин деса таништирган ҳайдовчи йигит. — Қум олиш тақиқланганини биламан. Аммо зарурлиги учун олгандим. Агар ишонмасангиз, бирга юринг.

— Фазлиддин, қумни қандай юклагингиз? — Ҳўв нарида (бизга кўринмай турган, ўзи келган томонни кўрсатиб) юкловчи техника кум бор. Шу ортиб берди, — дейди у. — Қоҳир ҳам ишлайпти.

Демак, ҳайдовчининг бемалол ҳаракатида кўра, улар ҳеч нимадан хавотирланмай, доимгидек ўзандан қум орттиш билан машғул бўлмоқда. Биз қум юкловчи машинани излаб, йўлда давом этдик.

— Энди бирорта юк машинасини ҳам, юкловчисини ҳам тополмаймиз, — дейди менга ҳамроҳлик қилаётган, шу яқиндаги қишлоқлардан бирида яшовчи оқсоқол Сайфулла ота. — Сабаби анави биз гаплаган ҳайдовчи йигит шу заҳоти хабар берди. Одатда бу атрофга бирор бегона киши келадиган бўлса, ҳаммаси тинчиб қолади. Буларнинг телеграм гуруҳи бўлса керак. Бирдан барчаси ўзини панайи олади.

Озроқ юрганимиздан сўнг дарё ўзанларининг турли жойлари қовлаб ташланган манзаларга дуч кела бошладик. Рости, бу атрофда

бирор бузилмаган жой қолмаганди. Айрим жойлар анча чуқур қовланган. Қум олинган пастликларга чиқинди ташлаб кетилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 сентябрдаги “Норуада материалларини қазиб олишга мораторий жорий этилган сув ҳавзалари ҳудудларининг чегараларини белгилаш тўғрисида”ги қарорига кўра, мораторий жорий этилган ҳудудларнинг чегаралари аниқ кўрсатилган. Қашқадарёнинг Китоб тумани “Анорзор” МФЙ Варганша қишлоғидан Қашқадарё ва Жиннидарё кесилган нуқтасидадан бошлаб Қашаши туманидаги Чимкўргон сув омборига 53 километр қисми ҳамда Чимкўргон сув омборидан Қарши тумани “Кўчмак” МФЙдаги Қарши магистрал канали докерига 49 километрлик қисми, жами 102 километрлик масофаси шундай ҳудудга кирган. Биз кўздан кечиравётган жой айнан Чимкўргон сув омборидан кейинги 49 километр масофа ичидида ҳудуд эди.

— Ўтган йили мораторий эълон қилинган, энди дарёни тинч қўйишар деб ўйлагандик, — дейди Сайфулла ота. — Биринчи майдан мораторий бошланишини эшитган ҳайдовчилар, ишонасизми, апрель ойида тиним билмади. Кечаю кундуз қум ташиди. Кўпчилиги бошқа жойларга олиб бориб, хирмон қилиб олди. Ниҳоят қутилган вақт келди. Ишонасизми, адашмасам, биринчи майдан ўн бешинчи майга қадар шунчалар сокин бўлиб қолди. Ҳеч бир киши дарёга

“Ортга қайтиб, машинада кўприк орқали айланиб борадиган бўлдик. Шу орада Қашаши тумани экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими мутасаддиларини ҳам ҳолат бўйича огоҳлантириб қўйдик. Ортимизга қайтиб, нариги тарафга борганимизга қадар бир соатдан кўп вақт кетди. Лекин шунча пайтдан кейингина экология соҳаси мутасаддилари етиб келган экан. Афсуски, олдинроқ шу ҳудудда ишлаб турган трактордан ҳам, йигитлардан ҳам дарак йўқ эди.

Сухбат билан анча йўл босиб ўтилагач, ҳозиргина қум қовлаб олинган жой устидан чиқдик. Аммо, ҳамроҳим айтганидек, юкловчи машина аллақачон жуфтакни ростлаб қолганди. Бундан ташқари, бошқа юк машиналари ҳам бўлган ва улар энди йўқ эди. Дарёнинг нариги қирғоғида эса битта “Қамаз”га уч-тўрт йигит белкуррак билан бемалол қум ортарди. Сал нарида юкловчи трактор ўз иши билан банд. У тарафга ўтишининг эса имкони йўқ. Оқсоқолнинг таъкидлашича, у томон Ёштгли қишлоғига қарашли.

“Ёштгли” МФЙ ҳудудидан худди шундай — ижарага ер олиб ишлайётган фуқаро билан суҳбатлашдик.

— Ўн йил муддатга шу ердан 2 гектар, сал наридан 3 гектардан зиёд, жами 5 гектардан кўпроқ жой олганман, — дейди Элдор Тошмуродов. — Бу ерга дарахт экишни мақсад қилганман. Ҳозир жой тайёрлаш билан бандим. Бир оз олдин трактор ишлайётганди. Тез орада 150 дона қўчат экиш ниятидадим. Насиб бўлса, тез орада яшил макон бўлади бу жой.

— Бу ердаги қумни қарға чиқариб ташладингиз? — дея сўрадим каттагина майдонга ишора қилиб.

— Олдин олинган бўлса керак. Биз бу жойдан умуман қум олганимиз йўқ. Бошқаларнинг ҳам олишига йўл қўймаймиз.

— Бундан чамаси бир соатдан олдин “Қамаз”да қум ортиб чиқиб кетишди-ку.

— Билмадим. Уни шу яқин атрофдаги йигитлар қўлда ортган бўлса керак. Ишсиз кишилар тўрт-беш сўм пул топиш илинжида қилгандир-да.

Кизиқ, шундоққина дарё қирғоғида қум олинувганидан каттагина майдон ҳосил қилинади-ю, бу кишининг хабари бўлмаса. Бундан ташқари, қумлик жойга қандай қилиб дарахт экиш мумкинлигига ҳайрон қолмай илож йўқ. Ачинарлиси, қўчат экиш мавсуми якунига етаётган бўлишига қарамай, ҳали бир донга ҳам ниҳол экилмаган.

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ходими Қўзйови Муродовнинг таъкидлашича, 2024 йил декабрдан Қашқадарё дарёси бошқарма тизимига ўтказилган. Шундан сўнг фуқароларга, тадбиркорларга яшил макон қилиш учун дарё қирғоғидан муайян муддатга жой ижарага берилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 51 та фуқарога жами 95 гектар майдон шартнома асосида фойдаланишга берилган. Муҳими, шартнома шартларига дарёга зарар эмас, аксинча, фойдаси тегадиган иш қилиниши белгиланган. Ажабланирлиси, олинган ернинг бир сотихи учун ҳар йили 45 минг сўм, бир гектари учун 4 миллион беш юз минг сўм тўланиши лозим. Агар Элдор ака 5 гектар ер ижарага олган бўлса, йилига 22 миллион 500 минг сўм тўлаши керак. Ҳали бир донга ҳам ниҳол экилмаган майдондан қандай фойда кўради-ю, қачон бу маблағни ўтказиб беради? Яна бир жиҳати, яшил макон қилиб, қандай маблағ ишлаб топаркан? Қолаверса, юқорида айтилган 95 гектар майдоннинг ҳаммаси ҳам шартномада белгиланганидек ишлайётганмикан ёки ҳудуд эгаллаб олиниб, фақат қум сотилаётганмикан? Бунга эса тайинли жавоб олиш мушкул.

Яна бир гап. Олдин айнан қум-шағал сотиш билан қонуний тартибда ишлаган, ўзини таништиришини истамаган тадбиркорнинг сўзларига кўра, ҳолат олдингидан анча ёмонлашган. Яъни мораторий эълон қилиниши натижасида бу ерда бир машина қўмининг нархи ҳам, ортиб бериш нархи ҳам қимматлашган. Бу эса қурилиш бозорида сезилган.

Мутахассислар фикрича, дарё ўзанидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш эртага сув сатҳи пастлаштиришга, дарёнинг қуриб қолишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, табиат мувозанати бузилишига сабаб бўлади.

Мавзу бўйича мутасаддилар бефарқ бўлмайдиган умиддамиз. Биз эса огоҳлик кўнгирогини чалишдан тўхтамаймиз.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ёшларга бозор муносабатларини тушунтириш, мустақил иқтисодий қарорлар қабул қилишни, молияни тўғри бошқаришни, тадбиркорлик салоҳиятини оширишни ўргатиш ва бу орқали рақобатбардош ҳамда ташаббускор шахсни тарбиялаш бугунги таълим-тарбия тизимидаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Юртимизда ўтган саккиз йилда ёш тадбиркорлар сони 3 қарра кўпайиб, жами бизнес вакилларининг салкам 40 фоизини ташкил этаётди. Ишсиз ёшлар 2 қарра камайди. Ишсизликдан холи маҳаллалар сони салкам 1900 тага етди. Ўтган йили “Ёшлар дафтари” орқали 180 минг ёшга 345 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Илгари институт ва университетларда битта ўрин учун камида 10-15 абитуриент курашарди. Қисқа даврда олийгоҳлар сони 3 баробар кўпайиб, олий таълимдаги қамров 42 фоизга етди. Хотин-қизларга шартнома тўлови давлат томонидан қоплаб берилаетгани ҳисобига уларнинг сони 11 қарра ошди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармон ва тадбиркорларга катта талаблар қўйилмоқда. Чунки мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш учун иқтисодчи, аввало, иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини, бозор иқтисодиёти жараёнлари таҳлилини яхши билишни, илмий асосланган хулосалар чиқара олиши керак.

Иқтисодий тарбия инсониятнинг минг йиллик ўтмиши жараёнида шаклланиб келган. У ўзининг маънавий-ахлоқий замиларига эга.

Қадимда Буюк ипак йўли номи билан машҳур бўлган қаровон йўли Хитойни Марказий Осиё, Европа билан боғлаб, Ўрта ер денгизига олиб чиқар эди. Бу йўл атрофидagi барча мамлакатлар ўзаро савдо-сотик орқали у ёки бу товарга бўлган эҳтиёжларини қондирган.

Йўллардаги қарвонсаройлар алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва хизмат кўрсатувчи мажмуа вазифасини бажарган. Уларда меҳмонхона, саргарошхона, ошхона каби хизмат кўрсатиш тизимлари ташкил этилган, товар айирбошлаш, сотиш билан боғлиқ битимлар тузилган. Бу эса иқтисодий тарбия тушуначисини кўпроқ ва тўлароқ ўзлаштириш имконини берган.

Шахсининг жамият манфаатларини қўлаб тежамкорлик қилиши, халқ фаровонлигини оширишга интилиши унда иқтисодий тарбия юксаклиги белгиси ҳисобланади. Зеро, иқтисодий тарбияга оид тушуначалар ҳар бир мутахассис, тадбиркор, тижоратчи, илмий ходим, педагог, шифокор, муҳандис ва бошқаларнинг амалий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ҳар бир халқнинг ривожланиш қонуни уларнинг иқтисодий маданияти юксалиши билан белгиланади. Қадимги дунё олимлари Ксенофонт, Платон, Арасту илк бор иқтисодий жараёнларни, иқтисодиёт ва тарбияга оид тушуначаларни ўрганган ҳамда улар ўртасида боғлиқлик мавжудлигини исботлаган.

Марказий Осиёда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган буюк олимлардан бири Абу Райҳон Берунийдир. У биринчилардан бўлиб пулнинг келиб чиқишини, аҳамиятини тадқиқ қилган. Беруний пулнинг ўрнини сарфланган меҳнат ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ўртасидаги нисбатни белгилашга кўрган.

XVI-XVII асрларда иқтисодиёт мустақил фан сифатида қарор топди. Ишлаб чиқариш тараққиёти, кўламлари ўсishi, ҳўжалик юритувчилар ўртасида иқтисодий алоқа мурраккаблашuvi, маҳаллий, миллий, халқаро бозорлар вужудга келиши кент иқтисодий билимга эга бўлишни тақозо этди.

Жамиятда иқтисодиёт одоби инсоннинг иқтисодий дунёқараши билан боғлиқ ҳолда юзага келади. У қанчалик қолоқ бўлса,

КўЗГУ

Кун мавзуси

“ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БОЛАНИНГ ХУЛҚ-АТВОРИ КАТТА ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. ХУЛҚ-АТВОР, АХЛОҚ МАДАНИЯТНИНГ МУҲИМ ҚИСМИ БЎЛИБ, У ТАРТИБ-ИНТИЗОМДА, ҲАЁТ МЕЪЁРЛАРИДА, ЖАМИЯТГА, МЕҲНАТГА, ОДАМЛАР БИЛАН БАЖАРИЛАДИГАН ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРДА АКС ЭТАДИ.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ШИДДАТЛИ ДАВРДА УНИНГ АҲАМИЯТИ ЖУДА МУҲИМ

Эҳтиёжлар доираси тор, ривожланган бўлса, эҳтиёжлар доираси кенгайиб, хилма-хил бўлиб боради. Шу боис, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар кишиларнинг ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, меҳнати каби омилларга боғлиқ. Эҳтиёжларга кучли таъсир этувчи омил — инсон меҳнатининг характери. Масалан, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат қилувчиларнинг эҳтиёжлари ҳар хил бўлади. Албатта, бу жиҳатларни ўзлаштирмай туриб, иқтисодий одоб тушуначаси тўлиқ ўрганилди деб бўлмайди.

Арасту иқтисодий билимлар асосини ва жамият қонунчилигини ишлаб чиқди ва фан тарихида биринчи иқтисодчи бўлди. У сиёсий иқтисодга алоҳида эътибор қаратган ва унинг муҳим хусусиятларини шарҳлаб берган.

“Этика” китобида оқилона эгоизм концепциясини ривожлантиради. Бу концепцияга кўра, кишилар кўпроқ мол-дунё орттиришга, шуҳратпарастликка ва манфаатлари йўлида ҳаражат қилишга мойил.

Эрон шоҳи Кайковус ўғли Гилоншоҳга ёзган насихатномаси, яъни “Қобуснома”да ўсиб



Ғофур АБДИЛАКИМОВ, Низомий номдаги ТДПУ профессори

- давлатнинг иқтисодий аҳволини яхши билиш;
- турли мулк турлари ва қорхоналар фаолиятининг иқтисодий асосларини билиш;
- даниларни ҳолис баҳолаш ва мавжуд иқтисодий асосларни таҳлил этиш учун иқтисодий саводхон бўлиш;
- ишлаб чиқариш ва ҳўжалик ишларида, иқтисодий муносабатларда ташаббускорлик.

Иқтисодий тарбиянинг бош вазифаларидан бири ёшлар иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши учун уларнинг потенциал имкониятларини ошириш ва бунга тайёрлаш ҳисобланади. Бу ишга тайёргарлик мураккаб таълим тизимини ташкил этиб, иқтисодий талаб ва тақлиф, иқтисодий умумтаълим тайёргарлиги, вақтга, меҳнат ва табиий захираларга оғли равишда муносабатда бўлиш каби таркибий қисмлардан иборат.

Ёшлар ўз эҳтиёжларини ота-оналарнинг меҳнати, турли жамғарма ва ташкилотлар, албатта, кам бўлса ҳам ўз меҳнати эвазига қондиради.

Мустақиллик туфайли фарзандларимиз дунёвий билимлар билан бирга улугъ боболаримиз Имом Бухорий ҳадислари Нақшбанд тақлимоти, Ал-Термизий ўғитлари, Ясавий ҳикматлари асосида тарбия олиш имконига эга бўлди.

Шунингдек, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Амир Темур, Улугъбек, Навоий, Бобур каби ақл-заковат

Соғлом турмуш тарзи

Шонийё ҚУРБОНОВ, биология фанлари доктори, профессор

КАСАЛЛИКЛАР ЯШАРИБ, ТЕЗ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА БУНДА ФАСТ-ФУДЛАРНИНГ ЗАРАРИ ҚАНЧАЛИК СЕЗИЛАДИ?

Овқатланиш маданияти — инсоннинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган муносабатини белгилайдиган оғли қарашлар, идроклар, билимлар тизими. Бу ҳақдаги билимлар тўғри овқатланиш асосларини, маҳсулотларнинг хусусиятлари ва организмга таъсирини, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш маданиятини ва овқатга иқтисодий муносабатини билишни ўз ичига олади.



Ҳозирги пайтда тўғри, соғлом ёки рационал овқатланиш тушуначалари ҳаётимизга тобора чуқуროқ сингиб бормоқда. Бу ҳол овқатланиш, таомланиш билан боғлиқ саноат-ҳаракатлар қундан қунга яхшиланиб, кенгайиб бораётганидан дарак.

Бир пайтлар овқатланиш дейилса, асосан, оч қолмаслик учун таом топиб ейиш тушунилган. Бугунги кунга келиб, турли таомлар мўл-кўл бўлиб, овқатланиш кишилар хоҳиш-истағидидаги эҳтиёжга айланган қолди. Таом

“1958 йили америкалик олимлар бундай трансёғларнинг танада тўпланиб, оғир патологик ҳолатларга олиб келишини, масалан, саратон ҳосил бўлиши мумкинлигини аниқлади. Шу боис, ҳозир Дания, Австрия, Швеция, Исландия, Норвегия каби давлатларда қайд қилинган йўллар билан тайёёрланадиган трансёғларнинг озиқ-овқат саноатида ишлатилиши тақиқланган.

choйхоналарда тез тайёёрланадиган таомлар, замонавий тилда айтганда, фаст-фудлар жуда кўпайиб, ҳўрандалар (айниқса, ёшларнинг эътиборини тортомоқда. Улар қундалик овқатланиш рационига кирмоқда.

Фаст-фудлар сирасига гамбургер, снэвич, хот-дог, корндог, пицца, шаурма, доннар кабоб, буррито, фри, чипс қабилар киради. Тез тайёрланадиган егуликлар ҳўрандаларга ҳам маъқул келади, чунки уларнинг вақти жуда тигиз, кўпчиликки оёқда туриб ёки йўл-йўлакай, иш вақтида ҳам овқатланиб кетаверади.

Бундай таомланишдан, умуман олганда, сотувчи ҳам, харидор ҳам хурсанд. Сотувчи ўз молини тезроқ пулласса, истеъмолчи озгина вақт ичида овқатланиб олинган мамнун. Барча фаст-фудлар бир-бирига ўхшаш маҳсулотлардан тайёрланиб, уларнинг кимёвий таркиби инсон организмиди асосий ва қўшимча озиқ моддалар билан керакли даражада таъминлай олмайди. Шунинг учун

холестерин кўпайиши ва бошқа салбий ўзгаришлар рўй беради. Гап шундаки, фаст-фудлардаги углеводлар тез ҳазм бўладиган қанақадан иборат бўлиб, улар ичкаларда керакли вақт сақланмасдан тез орада қонга ўтиб кетади. Бунга нафақат фаст-фудлардаги углеводлар, балки сотувдаги барча ширинликлар (конфетлар, шоколадлар, пишириқлар...) киради. Бундай ширинликлар ҳаммага, айниқса, ёш болалар, кўча-кўйда таомланадиган талаба ёшларга жуда ёқади. Шу боис, уларнинг бозори қаққон.

Бирок бу тартибда таомланиш соғлом овқатланиш талабларига қай даражада жавоб беришини ўйлаб кўриш вақти келди. Ортиқча вазн танада оддий углеводлар кўпайиши туфайли қатор касалликлар (қандили диабет, атеросклероз, юрак-қон томир, жигар, ошқозон-ичак ва асаб касалликлари ва ҳоказо)нинг юзага келишида алоҳида ўрин тутмоқда.

Иккинчидан, фаст-фудлар асосан трансёғлардан тайёрланади, улар маргаринни гидрогенизация қилиш (қайта ишлаш) натижасида олинади. Сўнгра бундай ёғ товада қайта қиздирилиб, бир неча марта фаст-фуд тайёрланади. Ёғ қайта-қайта ишлатилиши натижасида таркибини ўзгартириб, салбий таъсирни янада кўпайиб боради. Истеъмолчи ҳақ эса масаланинг бу томони унча маълум эмас, у фақат сотувчи учун ҳар томонлама қўл келади, ҳолос.

Бунда юқори ҳарорат ва босим остида суяк ўсимлик ёғлари водород пуфакчалари билан бойитилади ва шу йўл билан тўйинмаган ёғ кислоталари олинади. Бундай ёғ молекулаари ҳўжайра мембранасидаги фойдали ёғ кислоталарини суриб чиқаради ва метёрий моддалар алмашинувиини бузади.

1958 йили америкалик олимлар бундай трансёғларнинг танада тўплиниб, оғир патологик ҳолатларга олиб келишини, масалан, саратон ҳосил бўлиши мумкинлигини аниқлади. Шу боис, ҳозир Дания, Австрия, Швеция, Исландия, Норвегия каби давлатларда қайд қилинган йўллар билан тайёрланадиган трансёғларнинг озиқ-овқат саноатида ишлатилиши тақиқланган.

Учинчидан, фаст-фуд учун ишлатилади ёғ ёки кўп ҳолларда жигарда ёғ тўплинишига олиб келади. Жанубий Калифорния уни-верситети олимларининг аниқлашича, агар одам кун давомида овқат билан оладиган умумий энергиянинг 20 фоизини фаст-фуд ҳисобидан амалга оширса, унинг жигарида

соҳибларининг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳам ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим восита вазифасини бажармоқда.

Форобий ва Ибн Синонинг иқтисодий мероси марказида инсон ва унинг эҳтиёжларини қондириш масаласи туради. Зеро, инсон дунёнинг олий неъмат ва унинг эҳтиёжларини қондириш ҳар қандай жамиятнинг яшаш ва ривожланиш шартидир. Инсон эҳтиёжини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий жиҳатдан гуруҳларга ажратиш мумкин. Ушбу эҳтиёжлар ичида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни қондириш устувор ҳисобланади.

Иқтисодий тарбия тузилиши, асосан, ўзаро муносабат фаолиятидан ташкил топган. Фаолият инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга муносабати, ўзига хос хусусиятлари, бир мақсадга қаратилган ҳаёт мазмунидаги ўзгаришлар, тузатишлар қабилини ташкил этади. Инсон фаолиятининг асосий турли меҳнат бўлиб, у маънавий ва жисмоний ривожланишда муҳим роль ўйнайди. Меҳнат инсоннинг мулоқот, ўқиш ва иқтисодий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Меҳнат асосида шахсининг иқтисодий тарбияси ривожланади, ақлий ва ахлоқий камолоти рўёга чиқади.

Фаолият мазмуни, шарт-шароитлари, восталари ўзгариб туриши натижасида ҳар бир инсоннинг иқтисодий онги, иқтисодий маданияти такомиллашиб боради. Демак, иқтисодий фаолиятни тўғри ташкил этиш натижасида ўқувчи фаоллигига, иш режалари аниқ бўлишига эришиш мумкин.

Бунда ҳар бир ёш авлоднинг ўзига хос иқтисодий фаолиятини шакллантириш, раҳбарлик ва назорат қилиш ўқитувчининг асосий вазифаси ҳисобланади. Чунки бунинг натижасида ёшларда мустақиллик, ҳалоллик ва интизомлилик каби сифатлар шаклланади. Ўз жамоасига иқтисодий муносабатларда бўладиган кишиларга ҳурмати ошади.

Турли иш жараёни ва фаолиятларда шахсининг хулқ-атвори шаклланади ва ривожланади. Шундай экан, ўқитувчининг иқтисодий фаолияти лозим бўлган ишни кўрсатиш ва тушунтиришдан, вазифалар ва талаблар қўйишдан, текшириш ва тузатишдан, бажарилган ёки бажарилмаган ишлар учун рағбатлантириш ва жазолашдан иборат.

Бир нарсга аниқки, иқтисодий тарбия ва билим орқали бола иқтисодий маданиятга эришади. Ҳаётда, тажрибада билими ва билимсининг иқтисодий тарбияси баробар эмаслигини кўп учратиш мумкин. Бола иқтисодий муносабатларда қанча қийналаса, иқтисодий билимларини шунча кўп эгаллайди. Бу ҳолат ўқувчининг ёш хусусиятига ҳам боғлиқ.

Шундай экан, ҳар бир дарс жараёнида ёшлар томонидан эгалланган иқтисодий билим, қарашлар иқтисодий тарбияни шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Бу ўқитувчининг билим савиясига, педагогик маҳоратига, ўз касбини ва болани қанчалик яхши қўришига боғлиқ. Ёшларнинг дарс жараёнида олган иқтисодий билимлари уларнинг тушунишида, одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатда кўринади.

Иқтисодий тарбия билим, ҳис қилиш, тушуниш, тасаввур қилиш каби инсон фаолиятидаги турли-туман жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс фаоллигини оширади. Ёшларнинг иқтисодий ҳис-тўғуларини тарбиялашда соғлом муҳит, заводи вазиятини вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ана шундай шароитда ёшларда одамийлик, ҳайрихоҳлик, ҳалоллик ва поклик, тежамкорлик каби фазилатлар намоён бўлади.

Мухтасар айтганда, иқтисодий тарбияни шакллантиришда боланинг хулқ-атвори катта ўрин эгаллайди. Хулқ-атвор, ахлоқ маданиятининг муҳим қисми бўлиб, у тартиб-интизомда, ҳаёт меъёрларида, жамиятга, меҳнатга, одамлар билан бажариладиган иқтисодий муносабатларда акс этади.



ИЛЛАТНИНГ ЎҚИЛДИЗИ — ҲАШАМ ВА ДАБДАБА

Уни қўпориб ташлаш вақти келди

Бор гаплар... Исроф сахийлик эмас!

Ажойиб халқимиз бор-да! Аниқроғи, халқимизнинг тийнати ажойиб. Бугун ўзбек тўйлари ҳақида сўз юритишни мақсад қилганимиз боис, юқоридаги фикримизни шу мавзу атрофида изоҳлашга ҳаракат қилсак.

Тўй — яхши маросим. Кексаларнинг қўл очиб, “Топганинг тўйларга буюрсин” ёки “Ҳаммамизни тўйларга etkazсин”, деган дуолари, тўй бошлаган одамга яқинларининг “Иморат ва тўйга Ўзи гойибдан etkazди”, дея далда бериши-чи! “Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин”, “Тўй — тўйдек, эчки — қўйдек бўлсин” деган мақоллар нотўғри талқин қилинишни айтмайсизми! Хуллас, буларнинг барчасини бирлаштирувчи биргина омил мавжуд. Бу — тўй!

Одамлар тўй қилишни мавсумларга бўлиб олишга ҳам улгурган. “Қуз — тўй қилишга қулай фасл, пишқиқчилик палласи”, “Икки ҳайит орасида тўй ўтказишнинг хосияти кўп”, “Ёз — тўй фурсати”, “Қишдаги тўйнинг завқи ўзгача” ва ҳоказо... Қарабсизки, юртимизда йил — ўн икки ой тўй мавсуми.

Лекин, минг афсуски, қанчалик қувонч ва бахт шодийнаси бўлмасин, тўй қатор муаммо ва ташвишлар генераторига айланиб қолётгани ҳам бор гап. Одатда ушбу мавзудаги мақолаларда бир аср муқаддам жадид бобоимиз Маҳмудхўжа Бехбудий айтган фикр келтирилади.

Дабдабазлик ва ҳашаматга ўчлик жамият учун ўта зарарли. Яратган инсонга беҳисоб неъматлар ато этиб, улардан оқилона фойдаланиш, тежаб-тертаб ишлатиш, исрофга йўл қўймасликка чақиради. Муқаддас манбаларда “Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар”, дейилган.

Шундай бўлса-да, аксарият ҳолларда исрофдан сақланиш эътибордан четда қолмоқда. Исроф сахийлик бўлмагани каби тежамкорлик ҳам бахиллик эмас. Тежамкор киши пулини керагидан ортиқ сарфламайди. Маблигани фақат ҳаёти, рўзғори, эҳтиёжи учун зарур нарсаларга ишлатади. Тўйлардаги қўша-қўша машиналар, ортиқча кийим-кечаклар, қару ҳавола бўлиб маросим ўтказиш ҳам маънавий меҳнат эъзига топилган мол-мulkни ноўрин сарфлаш ҳамда исроф қилишга киради. Бунга қўл урган одам ўзи билмаган ва кутмаган ҳолда га-ғуссига мубтало бўлади.

Тўй шахсий иш эмас. “Қўлдан ортда қолмай” қабилидаги ҳашамат тўйгайли келиб чиққан кўнгилсизлик фақат шу онларнинг мусибати бўлиб қолмайди, балки кўпчиликка таъсир қилади. Оила — жамиятнинг бир бўғини. Унинг таназзули жамият, миллат таназзули демакдир.

Сўнгги йилларда халқимизнинг узок йиллик қадриятлари ва аънаваларини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда шухратпарастлик,



ди. Биз ҳам бу аънаадан чекинмадик. Зеро, у ҳамоно долзарб:

“Тўй ва таъзия сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, турунийлар илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб овурунийлардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайдур”.

Давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг жорий йил 5 мартдаги йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни белгилаган эди. Президентимиз коррупцияга ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва гов эканини таъкидлади. Йиғилишда яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтилди — коррупцияни енгиш учун, биринчи навбатда, унинг ортиқча ҳашамат ва дабдаба деган ўқилдишларини куриштиш шарт.

Дарҳақиқат, бугун тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажат минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Ахир ортиқча орзу-ҳавас ниманинг эъзига бу қадар жозибадорлик касб этгаётгани ҳақида бош қотириш, бу ҳолатга барҳам бериш чораларини излаш, амалий ишларга киришиш мавриди ҳозир эмасми?!

Юртимизда бир йилда ўртача 300 минг атрофида ўтказиладиган тўйга 3 миллиард доллар атрофида маблағ сарфланар экан.

Ҳа, бу ҳазилакам рақам эмас. Республика Маънавият ва маърифат маркази маълумотига кўра, 2024 йилда пойтахтимизнинг ўзида аҳоли 3 триллион сўм сарфлаб, тўй маросимларини ўтказган. Ҳозир тежамкорликни бош фазилатга айлантириш бутун дунё миқёсидаги масалага айланган глобаллашув даврида яшашмиз.

Ўтган йили декабрда Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгаши раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар халқимизга мурожаат қилди. Мурожаатда тўйлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотираси, ҳаж ва умрага бориб-келувчиларни қутиб олишга бағишланган йиғинлар, улардаги бир-бирдан ўтиб тушадиган, кимўзарга, риёга, исрофга тўла ишлар жиддий муаммага айланиб бораётгани, исрофни саховат деб тушунмаслик жоизлиги таъкидланди.

“Зиёлилар, ёши кекса отахону онахонлар, нурунийларга айтар сўзимиз, келинг, биргаликда юртимиз аҳолисиغا, айниқса, юқоридаги каби исрофгарчилик ва дабдаба қилаётганларга тушунтириш ишларини кўпайтирайлик, бу каби иллатларга биргаликда барҳам берайлик. Аллоҳ таоло ато этган мол-дунёни исроф қилиш — катта гуноҳ эканини уқтирайлик!” деди муфтий.

Шунингдек, саховатпеша кишиларнинг мактаб қуриш ёки таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратиш зарурлиги тавсия этилди. Маърифат, зиё маскани бўлган таълим даргоҳларини қуриш, обод қилиш савоби улуг амаллардан экани, талаба ва ўқувчиларни моддий тарафдан таъминлаш, тўлов-шартнома пулини тўлаб бериш, ўқув қўроллари ва дарсликларини олиб бериш савоби давомли садақан жория бўлиши эслатилди.

Эскирмаётган муаммо

Тўй ва маъракалардаги ортиқча сарф-харажат даврий матбуот саҳифаларида мунтазам кўтарилиб турган ва қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Тарихга назар ташласак, XX аср бошларида ҳам тўйлардаги ортиқча сарф-харажатга нисбатан турлича муносабат мавжуд бўлгани ҳамда бу борада қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтганини кўриш мумкин.

Туркистон жадидлик ҳаракати раҳнамоси, буюк тараққийпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий “Бизни кемирғувчи иллатлар” мақоласида халқни емирувчи ҳақиқий иллат — тўй ва маъракалар бутун Туркистон шаҳарлари ва қишлоқларини қамраб, халқни инқирозга тушираётганини ёзади.


Халқимиз азалдан оила ва никоҳни муқаддас деб билган. Шу боис, тўйларга алоҳида эътибор берган. Аждодларимиз никоҳни шариат қоидаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда ўтказишга интилган. Тўйдаги расм-русумлар ҳам никоҳни, оилани мустаҳкамлашга қаратилган. Афсуски, кейинги юз йилликда ўзбеклар ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар халқимизнинг муқаддас аънаваларига, жумладан, тўйларга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Маросимлар жамият, халқ ва шахс ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, ибрат орқали тарбиялаш, руҳий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Маросимларда миллий, диний урф-одатлар ва расм-русумлар ҳам ўз ифодасини топаган. Ўзбек халқининг пайдо бўлиш тарихи қанчалик узокқа бориб таясалса, унинг миллий аънавалари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик теран тарихий илдизга эга. Инчунин, аънавалар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар халқнинг, миллатнинг маънавияти, қадриятларининг ажралмас қисмидир.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“

“Тўйлар қилинг, қамишдан бел боғлаб хизмат қилай”, дейдилар. Аслида, қамишдан бел боғлаш эмас, қамишдек бел боғлаб хизмат қилиш тўғрироқ бўлади. Қамиш неча бўғинли бўлса шунча қарра бели боғлиқ. Ичининг бўм-бўшлиги емай-ичмай хизмат қилишга, шамолда тебраниш тинч турмасликка, иш учун эгилишга, елиб-югуришга тимсол. Хипчалиги, ингичкалиги эса меҳнатга шай турган ёш йигитчадек. Мана бунини ҳикмат деса бўлади.



Мақолни таҳрир қилувчи ҳушёр дўстларга маслаҳатим бор: агар “дан” ўрнига “дек” қўйишни жуда хоҳласангиз, халқнинг бошқа бир ибораси борки, уни шундай таҳрир қилса, савобли иш бўлади.

“Тўйлар қилинг, қамишдан бел боғлаб хизмат қилай”, дейдилар. Аслида, қамишдан бел боғлаш эмас, қамишдек бел боғлаб хизмат қилиш тўғрироқ бўлади. Қамиш неча бўғинли бўлса шунча қарра бели боғлиқ. Ичининг бўм-бўшлиги емай-ичмай хизмат қилишга, шамолда тебраниш тинч турмасликка, иш учун эгилишга, елиб-югуришга тимсол. Хипчалиги, ингичкалиги эса меҳнатга шай турган ёш йигитчадек. Мана бунини ҳикмат деса бўлади.

Шу ўринда озорқ “лирик чекиниш”. Қамиш мумтоз адабиётимизда садоқат рамзи ҳисобланади. Мавлоно Румийнинг машҳур байти ўзбекча бундай:

Тингла найдин, не ҳикоятлар қилур,
Айриликлардан шикоятлар қилур.

Яъни най аслида қамиш эди. Ботқоқ тўқайда ўсган эди. Уни кесиб най қилдилар, саройга келтирдилар, бахмалларга ўраб, олтин нақшли ғилофларга солдилар. Ўзозлаб, суяйи лабга босдилар. У эса нола қилди, фарёд кўтарди. Ўзи ўсиб-унган тўқайзорини соғинди. Ҳашаматли саройларни, топган изтай-икромини асл макони бўлган ташландиқ қамишзорга алмаштиролмади. Шу боис, найдан ҳаминша нола оҳангини чиқарди.

Ватанга садоқат, юрт соғинчига ҳақида айтилган абадиятга дахлдор байт! Ҳазрат Навоий айтганларидек, “Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш”.

Бир байтга шунча мазмун сиғдирилган, биргина қамишдан шунча фалсафий ҳулосалар чиқарган мавлонодек буюк аждодларимизни ўрганиш ўрнига ёшлигимизнинг олтин дамларида “Шумел қамиш”ни айтиб юрдик. Мана бунини ёниб кетган фурсат, кўмирга айланган умр деса бўлади...

ҳақида ёзмаган тилчи, гапирмаган адабиётчи қолмади. Бизнинг хато одатимиз ҳам йўқолмади.

Бу гаплар тилшунос олимнинг ҳукми эмас, бир қалмақнинг ўйлари, холос. Сизнинг ҳам кўнглингизда шундай оғриқли гаплар кўп. Лекин менга гапирганимиз ким қўйибди, дея индамайсиз, баҳса қирмайсиз. Ваҳоланки, тил — ҳаммамизники. Фақат тилшуносларгагина боғлаб берилган томорқа эмас.

Илм ҳам, ижод ҳам баҳс билан тирик. Маърифат излаган инсон бировнинг хатосидан қулмайди. Билмасанг гапирма, жим ўтир, демайди. Хатони тузатади, ўз фикрини айтди. Хато айтган ҳам қизариб-бўзармайди. Баҳс қилиди ё “фикрингиз маъкул”, дейди.

Оғзингни юм, овозингни ўчир, деган сўзни тугилгандан ўлгунча эшитамиз. Жим бўлиш бизга асрлар давомида сингдирилган. Ҳужайраларимизга жо бўлган. Яшаган юртимиз ўчган овозлар мамлакатни бўлди. Ғунча то оғзини очди, бўлди вайрон оқибат деган шеърлар бизни тарбиялади. Озод ва мустақил бўлиб ҳам ички хавотирдан тўла фориг бўлмадик. Дарҳақиқат, шаҳар қуриш осон-у, онгни ўзгартиш қийин экан. Бу сўзлардан мурод она тилимиз жонқуярларини баҳса чорлаш, дадил фикрлар билдиришга чақирмоқдир. Танқиддан, эътироздан чўчиманг. Фақат айтганларингиз сукунат дарёсига чўкиб кетишдан, ҳеч ким муносабат билдирмаслигидан, лом-мим демаслигидан қўрқинг.

Фикрат — дарё, гафлат қўлмақдир,
Дарё — ҳаёт, қўлмақ ўлмақдир.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
36811 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамкулов
Мусаҳҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 20:38 Топширилди — 00:15